

## **ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЖАМИЯТГА СОЛАЁТГАН ХАВФ- ХАТАРЛАРИ**

**Убайдуллаев Шерзод Музаффарович**

*ИИВ Академияси Ўқув саф қисми отряд командири, майор*

**Аннотация:** Ушбу мақола орқали сиз дунё миқёсида содир бўлаётган экстремизм билан боғлиқ бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси, турлари, юзага келиши, ривожланиши, тарқалиши, бугунги кунда юртимизга ва бошқа давлатларга солаётган хавф-хатарлари ҳамда олдини олиш йўллари ҳақида билиб олишингиз мумкин.

**Калит сўзлар:** экстремизм, экстремизм турлари, хавф-хатар, миссионерлик, экстремизмни молиялаштириш, диний экстремизм, экстремистик материал, ақидапарастлик, ёт ғоялар, фундаментализм, экстремистик ғоялар, радикализм.

## **ПОНЯТИЕ, ВИДЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ЭКСТРЕМИЗМОМ, И ИХ ОПАСНОСТЬ ДЛЯ ОБЩЕСТВА СЕГОДНЯ**

**Аннотация:** Благодаря данной статье вы сможете узнать о понятии, видах, возникновении, развитии, распространении преступлений и правонарушений, связанных с экстремизмом, происходящих во всем мире, об опасностях, которые они представляют для нашей страны и других стран на сегодняшний день, и способах их предотвращения.

**Ключевые слова:** экстремизм, виды экстремизма, опасность, миссионерство, финансирование экстремизма, религиозный экстремизм, экстремистский материал, фанатизм, чуждые идеи, фундаментализм, экстремистские идеи, радикализм.

## **CONCEPT, TYPES OF CRIMES RELATED TO EXTREMISM AND THEIR DANGERS TO SOCIETY TODAY**

**Annotation:** Through this article, you can learn about the concept, types, occurrence, development, spread of crimes and offenses related to extremism that are happening around the world, the dangers they pose to our country and other countries today, and ways to prevent them.

**Key words:** extremism, types of extremism, danger, missionary work, financing of extremism, religious extremism, extremist material, fanaticism, foreign ideas, fundamentalism, extremist ideas, radicalism.

*Айни вақтда халқаро терроризм ва экстремизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёнинг айрим минтақаларида қуролли тўқнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан қолмайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимизда пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади*<sup>79</sup>.

**Шавкат Мирзиёев**

Тинчлик буюк неъмат, инсон ҳаётининг бирламчи шарти хисобланади. Чунки, осуда ҳаёт, яратувчанлик ва фаровонлик, умуман, барча эзгу мақсадларнинг рўёби энг аввало шу неъматга боғлиқ. Шунинг учун ҳам қадимдан барча халқлар тинчликни асраш учун қаттиқ курашиб келган. Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган экстремизм, одам савдоси, ноқонуний миграция каби жиноятлар ўзининг мудҳиш оқибатлари, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказилиши билан ажралиб туради.

Дунёда таррақиёт ва хавфсизлика раҳна солаётган хавф–хатар ва таҳдидлар, аввало трансмиллий жиноятлар, экстремизм, терроризм ва ёт ғоялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганлиги уларга барҳам бериш ва ўз вақтида олдини олиш бўйича замонавий ва самарали тизимни йўлга қўйишни тақазо этмоқда. Шунинг учун тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар орасида экстремизм ва терроризм ўз оғирлиги, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказиши билан ажралиб туриб, давлатнинг конституциявий тузуми, инсон ва жамият хавфсизлигига зиён етказиши билан билан бирга одамларни қўрқитиш, ваҳимага солиш, жамиятда келажакка ишончсизлик ҳамда давлат бошқаруви тизимидан норозиликни ва унга ишончсизликни уйғотиш мақсадида содир этилади.

Экстремизм ва терроризмнинг нақадар хавfli эканлигини ва оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72–сессиясида «Дунёда экстремизм ва терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади»<sup>80</sup> деб таъкидлагани бежиз эмас.

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26-йиллиги ва ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табриги. Халқ сўзи газетаси 2018 йил 13 январь №8.

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан, Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусида ўтказилган анжумандаги нутқида “Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган даъватга бугун “Ўз болангни ўзинг асра!” деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман. Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чин дилдан тавба қилиб, ота–онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилиб одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доим тайёрман”, – деб таъкидлаган эдилар.

Ёшлар маънавий дунёсига хос хусусиятларидан бири шундаки, айрим ёшлар аввалги авлоднинг маданий қадриятларини, идеалларини инкор этадилар. Бунинг натижасида баъзи ёшларнинг умуминсоний ва миллий–маънавий қадриятларга зид келадиган ўзига хос идеаллари, мусиқаси, кийиниш услуби, тили ва санъати пайдо бўлиши кузатилмоқда.

Ёшларнинг норасмий уюшмалари ва харақатлари стихияли, бошқариб турилмайдиган жараён сифатида вужудга келади. Бу юридик қонун йўли билан тақиқлаб ёки йўқ қилиб бўлмайдиган жараёндир. Агар уларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилса, жамият учун хавfli бўлган экстремистик, террористик, қўпоровчилик уюшмалари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ёшларнинг эҳтиёжлари, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хатти–харақатларини, куч ва имкониятларини жамият учун фойдали бўлган йўналишга буриш бугунги кунда асосий вазифаларимиздан биридир<sup>81</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган ШХТ йиғилишида такидлаганидек: “Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ўшбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф етишга қодир эмас. Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавfli муаммолар гирдобидан чиқишнинг яккаю ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорлиқдир. Айнан инқироз ва бўҳтонлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий еътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар етиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир. Самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва

---

<sup>81</sup> А.А.Юсупов, А.А.Каримов, И.И.Каримов, М.Д.Рахимов «Ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш» номли ўқув услубий қўлланма., Т-2019. Б-5.

фаровон тараққийётнинг энг муҳим омилидир. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади»<sup>82</sup>.

### НАТИЖАЛАР ВА МУХОКАМАЛАР

Терроризм ва экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, вояга етмаганлар ва ёшлар келажагига катта хавф солиши ҳақида доимий равишда фуқароларимизни огоҳ ва ҳушёрликка даъват қилиш, вояга етмаганлар ва ёшларнинг тафаккурида юксак ахлоқий, маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустахкамлаш орқали уларни маърифат йўли билан ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш ғоятда муҳимдир.

Диний экстремистик ташкилотларга муносабат, улар фаолиятини баҳолашда икки ёқлама стандартлардан воз кечиш, бундай тафаккур ва ёндашув тарзига барҳам бериш, айниқса, ўсиб келаётган авлод онгида хусусий манфаатлар ва мақсадлардан қатъий назар, инсоннинг эртанги кунини ва жамият истиқболи учун дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва бу борадаги ғоявий–тарбиявий ишларни тизимли ташкил этиш ҳаётий ва давр талаби эканлигини англаш таъкидлаб ўтишимиз ўринлидир.

Бугунги кун ёшлари учун Интернет турли ахборот ва маълумотларни олиш орқали уларни билим олиш имкониятларини кенгайтираётган бўлса, иккинчи томондан Интернет саҳифалари орқали дин ниқоби остида соҳта, диний экстремистик, террористик руҳдаги турли бузғунчи оқимлар ва миссионерлик фаолияти орқали турли мақсадларни кўзлаган янги диний ҳаракатлар учун асосий тарғибот–ташвиқот макони бўлиб қолмоқда.

Диний экстремизм ва фундаментализм даъватларига кўр–кўрона ишониши ва уларни рағбатлантириши эски замонни қумсовчи, дунёвий қадриятлар устувор бўлган ҳаётни қоралайдиган кимсалар дунёқарашидир<sup>83</sup>.

«Фундаментализм» — ута тор диний атама бўлиб, бу атама аслида христиан дини билин боглик холда Диний экстремизм келиб чиккан. Ислом фундаментализми соф ислом асосига кайтиш, исломни асл холида куллаш зарур ва факат ана шу йул билан ислом динини бидъатдан «тозалашга» эришиш мумкин деган нотугри карашларни тарғиб килади.

Ақидапарастлик (арабча ақида – ишонч, бирор нарсани иккинчиси боғлаш) муайян шароитда, бирон–бир ғоя ёки томоилга қатъий ишонч ва уни

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган ШХТ йиғилишида сўзлаган нутқидан

<sup>83</sup> *Холов А.Т.* «Вояга етмаган ва ёшларни террористик ва экстремистик ташкилотларга жалб қилиниўнинг олдини олиш чоралари» деб номланган маъюласи, // «Ёшларни террористик ва экстремистик ташкилотларга жалб қилинишининг олдини олиш: назария, амалиёт ва ўзбекистон тажрибаси» номли республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами., Т-2018. Б 209-211

мутлақлаштириш асосида шакилланган қоида ва тартибларни ҳамда ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ва уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидаларга таъсир доирасини сунъий равишда кегайтиришга уринишда ёрқин намоёни бўлади.

Маълумки, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, шахсинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва мол мулкани турли тажовузлардан ҳимоя қилишда Ички ишлар органларининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларининг қўйи тизими ҳисобланган яъни, таянч пунктларида хизмат фаолиятини олиб борувчи профилактика инспекторларининг халққа яқинлиги ва улар доимий равишда одамлар орасида бўлиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

Экстремизм ва терроризмнинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида «Жаҳолатга қарши маърифат» эзгу ғояси асосида ҳар бир маҳалла кесимида диний-экстремистик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва бартараф этишга, биринчи навбатда, экстремистик оқим мафкураси таъсири остига тушиб қолган шахсларни тузатишга алоҳида эътибор қаратиш каби устувор йўналишлари<sup>84</sup> ижросини таъминлашда профилактика инспекторларининг экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси доирасида фаолиятини ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Давлат, унинг тегишли органлари жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун, энг муҳими, инсоннинг муқаддас ҳуқуқи – яшаш ҳуқуқини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш учун ташкил этилгани шубҳасиз<sup>85</sup>.

Диний экстремизм ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳозирги даврнинг энг хавфли ва мураккаб ҳодисаларидан биридир. Ушбу ижтимоий муаммони ҳал этиш учун биринчи галда экстремизмнинг нималигини, унинг мақсадини, моҳиятини, нима учун ва кимлар томонидан қандай восита сифатида намоён бўлишини аниқ билиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, турли мақсад кўзда тутилган ҳолда, давлат ва сиёсат арбобларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳужум уюштирилади, завод, фабрика, алоқа тармоқлари, транспорт воситаларини яксон қилиш ва шу каби хатти-ҳаракатлар ҳам амалга оширилишини кўриш мумкин. Ушбу хатти-ҳаракатлар замирида фуқароларда қўрқув ва даҳшатни юзага келтириш ётади ва бу уни содир

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сон қарор.

<sup>85</sup> Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т., 2004. – Б. 169.

этишдан кўзланган асосий мақсад сифатида ҳам эътироф этилади. Бу эса экстремизм терроризмнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, уни бошқа турдаги жиноятлардан фарқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Экстремизм у ёки бу объектга жисмоний таъсир ўтказиш ва унга қарши курашаётган томонга руҳий ва маънавий таъсир этиш кабилар орқали ўз рақибини заифлаштириш усулидир. Шу билан бирга, гарчанд мақсад айнан моддий зарар етказишдан иборат бўлса ҳам (масалан, тижоратдаги рақибини йўқотиш мақсадида қилинса), жисмоний тазйиқ амалий жиҳатдан бўлмаслиги ҳам мумкин ва бунда ҳеч кимга зарар етказилмасдан, кичикроқ бир портлатиш ёки кам миқдорда зарар етказилади. Табиийки, бу ҳолатни юзага келтиришдан асосий мақсад руҳий агрессияни очикдан–очик намойиш этишдир.

Оммавий ахборот воситаларида эса “терроризм” тушунчаси кўп ҳолларда экстремизм, уюшган, тайёргарликдан ўтган ва яширин фаолият кўрсатаётган ҳамда оғир жиноятлар содир этган жиноятчилар туғрисида гап кетганида қўлланиши ҳам яхши маълум. Ҳозирги кунда ОАВда жаҳон миқёсидаги шу каби экстремистлар сифатида араб мамлакатларида, АҚШ ва Исроил ҳамда бир қатор Европа давлатларига қарши олиб борилаётган экстремистик ҳаракатларини амалга ошираётган экстремистлар кўрсатилади. Албатта, экстремизмни шу каби қиёсий маъноларда ҳам таърифлаш мумкин. Бинобарин, бундай таъриф Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига баён этилган таърифга мос келмаслигини унутмаслик зарур.

Дарҳақиқат, диний экстремизм ва терроризм бугунги кунда ўз хавфи жиҳатидан ҳалқаро миқёсдаги таҳдидлардан саналади. Афсуслар бўлсинки, айримлар мазкур эгизак тушунчаларни бир–биридан фарқли ва ўхшаш томонларини тўлиқ англаб етишмайди. Бу эса, ўз навбатида уларга қарши ишлаб чиқиладиган профилактик чора–тадбирларнинг пухта режалаштирилиши ва белгиланишига салбий таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қонунда терроризмдан фарқли ўлароқ айнан экстремизм жиноят сифатида эътироф этилмаган.

Савол туғилади, демак, экстремизм – жиноят эмас эканда?

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 155–моддасида “терроризм” жиноят сифатида белгиланган бўлсада, “экстремизм” жиноят тариқасида баҳоланмаган. Негаки, “Экстремизм” лотин тилидан олинган бўлиб “кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик” маъносини англатади. Диний экстремизм – кенг маънони англатиб, экстремистлар барча динларда, масалан будизм, христианлик, исломдаги турли оқимларда ҳам учраб туради. Олимлар “экстремизм” иборасини сиёсий атама сифатида қарашади. Бу атаманинг сиёсат билан алоқадор жиҳатлари шундаки, норасмий экстремистик ташкилот раҳбарлари сиёсий масалалар юзасидан “кескин, қатъий чоралар кўриш йўли билан”, яъни куч ишлатиш, зўрлик билан давлатлардаги расмий ҳоқимиятни

Ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Уларни норасмий дейилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Сиёсий партиялар”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари” ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун талабларига кўра Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиши билан изоҳланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, диний экстремизм кескин чораларни қўллашга, баъзан зўравонлик ҳаракатларини содир этишга мойиллиги билан ҳам ажралиб туради. Ва айнан шу вазиятда экстремистларнинг террористик ҳаракатларни содир этишга эҳтиёжлари пайдо бўлади. Ва бу қуйидаги ҳаракатларда, яъни ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатни суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий–сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, ҳалқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол–мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек экстремистик ва террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишин таъминлашга, экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, экстремистик ва террорчилик ташкилотларига ёхуд таррорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ–воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрстаишга қаратилган фаолиятда ўз ифодасини топиши мумкин.

Этник ҳарактердаги терроризм диний экстремистик мазмундаги бузғунчи ғоялар билан қоришиб кетган. Кичик Осиёда Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги, Ҳиндистонда, Покистонда, Туркияда, Россияда, Буюк Британияда, Болқонда, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида содир қилинаётган террорчилик ҳуружлар шулар жумласидандир.

Экстремизм ва терроризмнинг юзага келишини қуйидаги сабаблар билан ўзвий боғлаш мумкин:

1) ижтимоий, шу билан бирга, миллий ва диний муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги, шунингдек бундай муаммоларнинг ҳам барчасини эмас, балки ушбу ижтимоий, миллий гуруҳлардаги ўзини ўзи баҳолаш, ўзини шу ўринга қўйиб кўриш, уларнинг ғоявийлиги, урф–одатлар, анъаналарда мавжуд қадриятларнинг ҳаётий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда баҳолашни лозим. Баъзида бу гуруҳлар ўзларининг алоҳидалиги ва ўзгармасликларини билдиришга ҳаракат қиладилар.

Тўғри, бундай гуруҳлар билан боғлиқ муаммоларни дарҳол ҳал этиш имконияти мавжуд эмас, зотан, бунинг оқибатида бошқа гуруҳ манфаатларига зиён етади (масалан, миллий ва ирқий низоларда);

2) уруш ва ҳарбий низоларда экстремистик ва террористик ҳаракатлари ҳарбий

ҳаракатларнинг бир қисми бўлиб қолади (масалан, чечен жангариларининг ўз ҳудудларидан ташқарида бўлган Россия шаҳарларига 1995–1996 йиллардаги ҳужумлари). Шу каби партизанлик ҳаракатлари ҳам терро–ризмга хос тарзда содир этилади ва бунда босиб олиш учун ҳаракатда бўлган ҳарбий қисмларнинг босиб олинган ердаги аҳоли ўртасида қўрқув уйғотиш мақсадида ўтказадиган ҳарбий ҳаракатлари кабилар;

3) ўзига хос ва ён ёки узоқ қўшниларидан юқори моддий таъминот ва маданиятга эгаллиги, ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудратини намойиш этиши ёки шу асосида ўз мақсадларига етиш учун бошқа мамлакатларга ёки гуруҳларга турли талаб қўйишга қодир давлатлар ёки гуруҳларнинг мавжудлиги. Ҳеч шубҳа йўқки, бу каби давлатларнинг тўқ ва бой яшаши баъзи давлатлар ёки ижтимоий гуруҳларнинг ғараз ва кўролмасликларини юзага келтиради ҳамда душман сифатида қабул қилинади ва бундай давлатларни енгиб бўлмасида, уларга қарши турли зарбалар бериб турилиши кузатилади. Бунда маънавий қарашлар эътиборга олинмайди ва бундай душман айнан шундай эътиборга лойиқ деб топилади;

4) махфий ёки ярим махфий жамиятлар, жумладан диний ва секстант ташкилотлар ва уларнинг мессианлик ўрнини тутиши ҳамда шу асосида «бирлик», «инсонни қутқариш учун тўғри таълимот» ёки умуман инсон ҳаётини яхшиламоқчи бўлган, шу билан бирга, умумий меҳрибонлик, адолат ва инсон руҳини абадий сақлаш каби йўналишда фаолият кўрсатилиши. Бундай уюшмалар ва уларнинг таълимотларини давлатлар ва жамоатчилик қабул қилмаса, бу ҳолда улар ўз мақсадларига етиш учун (сиёсий, ғоявий, диний, мистика, магия каби йўна–лишларда) ҳуқуқий жиҳатдан тазйиқ ўтказишга интиладилар;

5) зарур иқтисодий ва молиявий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги, шу жумладан булар билан боғлиқ қонунчилик асосларининг йўқлиги ҳамда мулкни тақсимлашдаги низолар, тижоратчилар, молия билан шуғулланувчилар ва шу каби барча ишбилармонларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг муҳофаза қилмаслиги. Бу эса ўз навбатида ушбу қатламлар вакилларини қўрқувга солиш ва рақобатчиларни тугатиш каби йўналишлардаги террорчилик ҳаракатларини келтириб чиқаришга сабаб бўлди. Бунинг мисоли сифатида ҳозирги кунда Россияда юзага келган уюшган жиноятчилик ва уларнинг иқтисодий террорчиликни амалга оширишда бўладиган хизматларидан криминал тижорат тизимларининг фойдаланишларига йўл очилганлигини;

Ушбу санаб ўтилган сабаблар билан бир қаторда, экстремизм ва терроризмни юзага келтирувчи қуйидаги салбий омилларни ҳам санаб ўтиш лозим. Булар:

1) давлат ҳокимияти, унинг муассасалари ва турли тармоқларининг заифлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг экстремистлар ва террорчиларни топиш ва зарарсизлантиришни таъминлашдаги маҳоратларининг камлиги, шу билан бир қаторда, тайёрланаётган террорчилик ҳаракатларини тайёрловчи шахсларни аниқлаш ва тутиш ҳамда улар қайта содир этиши мумкин бўлган қотилликлар ва бошқа салбий

иллатларнинг олдини олиш учун жиноятчиларни жазога тортиш кабиларнинг тўлиқ амалга оширилмаслиги.

Энг ёмони, бундай шахсларнинг айнан жазоланмай қолишидир. Тижорат соҳасидаги кўпгина террорчилик ҳаракатларининг очилмай қолиши ҳам ўта салбий ҳолат бўлиб ҳисобланишини эътиборга олиш лозим;

2) экстремистларнинг фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, таъминлашни айрим гуруҳлар ва аҳолининг амалга ошириши. Бу каби ёрдам кўрсатилмаса, миллий ва диний йўналишлардаги экстремизмни олиб боришнинг ҳожати ҳам бўлмас эди. Агарда шундай қўллаб-қувватлашлар мавжуд экан, унда жиноятчиларни қатъий жазолаш тизими (ўлим жазоси ёки кучайтирилган қамоқ жазолари) шу каби экстремистлар ва террорчилар тарафдорларининг қаршилигига дуч келади ва янги экстремистик гуруҳларни тузиш ва мавжудлари сафининг кенгайишига олиб келади.

Демак, бундай вазиятларда ўзига хос сиёсий йўл тутишга тўғри келади. Яъни, ноанъанавий сиёсий қарорлар чиқариш, ўзаро муҳокама этиш ва шу каби ён босишларнинг амалга оширилишига тўғри келади, албатта, бунда экстремизм ва терроризмга бўлган ижобий муносабатларни сусайтириш ва ундан ажралишни юзага келтириш ҳам бир вақтда олиб борилиши лозим, баъзида йўлбошчиларнинг асл қиёфаларини очиб бериш ва уларнинг асосий шиорларининг салбий моҳиятини улар тазйиқ ўтказётган омма олдида очиб берилиши ҳам катта аҳамиятга эгадир;

3) ҳарбий ишларда касб маҳоратига эга бўлган ва ҳарбий хизматдан четлаштирилган ҳамда ўз ўрнини топа олмаган шахслар гуруҳининг мавжудлиги. Тўғри, бундай шахслар ўзларининг ерга урилганини кечира олмайдилар ва моддий муҳтож бўлганлари боис, экстремистлар ва террорчилар таъсирига тушиб қоладилар. Бундай ҳолатларни Германияда биринчи жаҳон урушидан кейин жуда кўп шахсларнинг нацистлар таъсирига тушиб қолишига олиб келганини, АҚШда Вьетнам урушидан сўнги ҳолат, советлар ҳукмронлик қилган ҳудудларда «афғонлар» ва армиядан захирага бўшатирилганлардан террорчилик фаолиятларида фойдаланиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

### ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, ҳар қандай давлатнинг тараққиёти ва унинг келажаги ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даржасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун, аввало, жамият аъзолари, хусусан, вояга етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлиши талаб этилади. Бу борада вояга етмаганлар ва ёшларни жиноятчилигининг олдини олиш, улар диний оқимнинг гирдоби ва тузоғига тушиб қолишини барвақт олдини олиш мақсада ички ишлар орган лари ҳамда давлат орган лари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшларга диний билимларини ошириш мақсадида умумтаълим ва олий таълим даргоҳларида машғулотларни ташкил этиш бўйича чора тадбирларини белгилаш уларга диний ва дунёвий ҳар томонлама кучли билимларни бериш лозим. Бугунги кунда барча давлатлар учун ёшлар онгини

деструктив ғоялар таъсиридан асраш ва таъсирини минималлаштириш долзарблигича қолмоқда. Турли ҳил ғоялар ва унинг оқибатлари билан курашиш, ушбу ғояларнинг асл келиб чиқиши сабабларини ўрганмаслик уларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Ёшлар онгида турли ҳил деструктив ғоялар таъсирини минималлаштириш соҳасида қилинаётган ишлардаги камчиликларни бартараф этиш келгусида Ўзбекистоннинг ёшлар бўйича амалга ошираётган сиёсатини самарали ташкил этишга асос бўлади.

Шу билан бирга, бу йўналишдаги муаммолар ушбу ушбу қўлланмада келтириб ўтилган фикрлар орқали тўлиқ ҳал этилади деган фикрдан йироқмиз. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экстремизм ва терроризмни олдини олиш чоралари тизимини ислоҳ қилиш ташкилий, ҳуқуқий жиҳатда таъминлашнинг келгусидаги устувор йўналишлари мазкур тадқиқотда кўрсатиб ўтилган масалалар билан чекланиб қолмайди. Зеро, тартибга солиш объектининг табиати ўзгариб, янгиликлар билан бойиб борар экан, қонун ҳужжатлари ҳам шунга мос равишда такомиллашиб бориши лозим.

Агарда ҳар бир шахс ўз ватанининг тинчлиги ва ҳавфсизлигини таъминласа, терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш борасида қушни давлатлар билан ҳамкорликнинг тўлиқ механизми яратилса, ушбу турдаги жиноятларнинг барвақт профилактикаси амалга оширилса, минтақамизда тинчлик деган неъмат абадий бўлади.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан, Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган ШХТ йиғилишида сўзлаган нутқидан.

3. Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т., 2004. – Б. 169.

4. «Криминология». Умумий қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 б.

5. «Криминология». Махсус қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 744 б.

6. Зарипов З., Исмаилов И. «Криминология». Умумий қисм: Дарслик. – Т., 1996. – 230 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва

жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сон қарор.